

## ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДАГИ ТАРИХИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ҲАМДА ИЖТИМОЙ, СИЁСИЙ, ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАР

Нишанбаева Э.З.

ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети доценти,  
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ижтимоий шериклинг ўрни ва унинг асосий жихатлар, омилларига эътибор қаратилган. Унда муаллиф томонидан ижтимоий шерикликнинг шаклланиши ва ривожланишидаги тарихий шарт-шароитлар ҳамда ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий омилларини очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Жамият, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари, ижтимоий шериклик, ижтимоий шериклик тамойиллари, ижтимоий шерикликнинг ривожланиш динамикаси, бипартизм, трипартизм, меҳнат билан таъминлаш.

### ИСТОРИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ И СОЦИАЛЬНЫЕ, ПОЛИТИЧЕСКИЕ, ПРАВОВЫЕ ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА

### АННОТАЦИЯ

В этой статье основное внимание уделяется роли социального партнера и ее ключевым аспектам и факторам. В нем автор раскрывает исторические условия и социальные, политические, правовые факторы становления и развития социального партнерства.

**Ключевые слова:** Общество, гражданское общество, институты гражданского общества, социальное партнерство, принципы социального партнерства, динамика развития социального партнерства, бипартизм, трипартизм, трудоустройства.

### HISTORICAL CONDITIONS AND SOCIAL, POLITICAL, LEGAL FACTORS IN THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF SOCIAL PARTNERSHIP

### ABSTRACT

This article focuses on the role of social partnership and its main aspects and factors. In it, the author reveals the historical conditions and social, political, legal factors in the formation and development of social partnership.

**Keywords :** Society, civil society, civil society institutions, social partnership, principles of social partnership, development dynamics of social partnership, bipartism, tripartism, employment.

Ижтимоий шериклик тизими анъанавий жамиятда кўп асрлик маданий анъаналарга, миллий қадрият ва бой маънавиятга эга халқларнинг ахлоқий нормаларига кириб борган, уларнинг ўзаро шерикчилигига оид баҳсли масалаларда муросага эришишга йўналтирилган. Бу жараёнда эса нафақат ўзаро шерикчиликка асосланган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан, балки мавжуд бўлган анъаналар билан ҳисоблашиш керак бўлади. Шунинг учун ҳам М. Вебер “Ижтимоий муносабатларнинг рационал асосларини белгиловчи ижтимоий тартиб, дуалистик хусусиятига эга. Чунки у бир томондан индивидлар учун объектив бўлади, шунинг учун уларнинг хатти-ҳаракатларининг бош назоратчиси ҳисобланади. Иккинчи томондан эса, у “мақсадли иттифоқ” иштирокчиларининг бир қатор кўрсаткичлар бўйича ўзаро розилиги натижасидир, бундай ижтимоий шерикликнинг ўрнатилиши ва узоқ муддатли бўлиши томонларнинг ўзаро мақсадли ва манбаатли фаолияти билан белгиланади”<sup>1</sup> деб таъкидлайди.

Ижтимоий шериклик, ижтимоий тартибнинг моҳиятан ўзаро келишувга асосланган шакли бўлиб, унинг янгича маъно-мазмунга эга бўлиши кескин вазиятларида ҳам интеграциялашган яхлитлигини сақлаб қолишни талаб этади. Чунки ўз даврида Т. Парсонс ҳам “Ижтимоий шерикликни таъминлашда мақсадларнинг институаллаштирилган шакли, моҳиятан шерикликнинг барқарор моделлари ҳисобланади ва ижтимоий тизим асосини ташкил этади”<sup>2</sup> деб ёзган эди. Шубҳасиз, ижтимоий шериклик принципларини амалиётга татбиқ этиш – мураккаб вазифа. Бу жараён залворли натижаларга олиб келади: жамиятнинг қутбларга бўлиниши барҳам топади, жараённинг барча иштирокчиларида фаоллик ошади, сиёсий ва ижтимоий барқарорлик кучаяди, тараққиёт учун мустаҳкам асос яратилади.

Бундай фундаментал мақсадларга ўз-ўзидан эришилмайди ва бу борада муайян тажриба тўплангани юқоридагилардан кўриниб турибди. Тарихий нуқтаи назардан дастлабки шериклик субъектлари икки томонни ташкил этади: ишчи ва иш берувчи (ишлаб чиқариш воситаси эгалари). Бундай икки томонлама шериклик кейинчалик «бипартизм» номини олди. Шундан сўнг шериклар

<sup>1</sup> Вебер М. Хозяйство и общество / пер. с нем.; под научн. ред. Л. Г. Ионина. - М.: Изд-во ГУ ВШЭ, 2010. -С. 456.

<sup>2</sup> Парсонс Т. О структуре социального действия. - М.: Академ. Проект, 2002. -С. 88.

таркиби сезиларли даражада ўзгарди, чунки музокаралар жараёнида давлат ҳам иштирок эта бошлади. Натижада юзага келган уч томонлама шериклик «учпартизм» (трипартизм) деб номланди. Уч томонлама келишув модели Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) конвенциясида 144-рақам билан белгилаб қўйилган<sup>1</sup>. Мазкур конвенцияга қўра давлатлар ҳам ўзаро ижтимоий шерикга айланадилар ва ишчилар ҳамда иш берувчилар уюшмалари билан бир қаторда умуммиллий шериклик-келишув шартномаларини имзолайдилар. Ниҳоят, ижтимоий шериклик субъектлари таркиби янада мураккаблашди – кўп даражали шериклик жорий этилди. Бу эса учпартизм принципига нафақат умуммиллий даражада, балки тармоқ ва корхона даражасида ҳам амал қилиниши лозимлигини билдиради.

Бизнингча, сиёсий трансформациянинг ҳозирги, глобал чақиравлар ривожланиши шароитидаги давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни амал қилиши жараёнида юзага келадиган муаммоларни тадқиқ этишга бўлган эътибор кучаймоқда. Глобаллашув жараёнларининг тезлашиши ҳамда унинг давлат ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига таъсири шундай асосий тенденциялар билан тавсифланадики, уларнинг фаолиятида институционаллашуви жараёнлари кузатилади.

Ижтимоий шериклик тизимининг бугунги босқичидаги асосий элементлардан бири унга эришишнинг стратегия ва тактикасидир. Бу эса ижтимоий-иктисодий мақсадга эришишнинг узок муддатга мўлжалланган йўналишини, яъни стратегияни кўзда тутишни ҳамда унга эришишнинг тактикасини англатади.

Бизнинг назаримизда, ижтимоий шерикчилик маданиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий ҳаракатларнинг манфаатлари тенглиги тамойилларига асосланган ҳолда сиёсий онг ва маданиятни шакллантиришга қаратилмаган бўлса, бозор иқтисодиёти ёки сиёсий плорализм жамиятни демократлаштириш ва унинг сиёсий барқарорлиги муаммосини ҳал қилмайди.

Ижтимоий шериклик фуқаролик жамиятини барқарорлигини белгилайдиган тизим бўлсада, уни бошқа ижтимоий ҳамкорлик йўналишларининг мезонлари билан аралаштириб юбормаслик керак. Чунки, натижаларига қўра, ижтимоий шериклик қайси соҳа тадқиқот обьекти бўлишидан қатъий назар, у сиёсий фаолият маҳсули ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ижтимоий шерикликнинг индивидуал ва ижтимоий шаклларини жамият

<sup>1</sup>[http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/fp=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100\\_INSTRUMENT\\_ID:312289:NO](http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/fp=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312289:NO)

сиёсий манфаатлари, эҳтиёжларига мос келишига қараб аниқлаш ҳамда туркумлаштириш мумкин.

Иқтисодий соҳадаги муносабатлар нуқтаи назардан қараганда, фуқаролик жамияти ва ижтимоий шерикликка ижобий таъсир этадиган тизимни ривожлантириш – меҳнат жабҳасида турлича намоён бўладиган ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатлари орасида нисбий мувозанатни, келишувни шериклик асосида вужудга келтиришга шароит яратади. Шунинг учун ҳам файласуф олим А.Бегматов меҳнат муносабатларида ижтимоий шериклик масаласига тўхталиб “Ижтимоий шериклик назариясининг мақсади жамиятдаги меҳнат муносабатларида, муайян гуруҳлар манфаатлари ўртасида мавжуд бўлган зиддиятларни бартараф этиш ва консенсусни таъминлашга қаратилган эди”<sup>1</sup> деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, ижтимоий шериклик иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолатнинг бирга акс этиши механизми бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан ҳам бизнинг назаримизда ижтимоий шерикликнинг ривожланиш динамикасини ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар нуқтаи назардан қўйидагича босқичларга бўлиб ўрганиш мумкин:

**Биринчи босқич:** 1991-2000 йиллар, мустақилликнинг илк даврлари. Бу даврда илк демократик институтлар шаклланиши бошланган (сиёсий партиялар, ННТ ва х). Маъмурий буйруқбозлик тизими тузилмаси органларининг фаолияти тўхтатилган. Ижтимоий шериклик — турли хил фикрга эга бўлган фуқаролар ва турли гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги сифатида намоён бўлган.

**Иккинчи босқич:** 2001-2010 йиллар, жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаштириш даври. Ижтимоий шериклик жамиятда сиёсий кучлар ва ижтимоий қатламларнинг ҳамжиҳатлиги, турли миллат, ирқ ва дин вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги, илғор ғояларнинг ўзаро уйғуналиги, ҳар бир шахс ўзининг фуқаролик бурчини ҳис этиши, жамиятдаги тинчлик ва барқарорлик асосида шаклланган.

Ижтимоий шериклик фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини янада кенгайтириш омили сифатида намоён бўлган. Кўппартиявийлик тизимнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари шакллантирилди, икки палатали парламентга ўтилди. ННТларнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

**Учинчи босқич:** 2010-2016 йиллар, мамлакатимизда демократик жамиятни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси билан боғлиқ бўлган давр.

<sup>1</sup> Бегматов А. Ижтимоий шериклик ва ижтимоий хавфсизлик // Жамият ва бошқарув. 2014. - №1. -Б.44.

Бу даврда Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуни, «Давлат бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонунлари қабул қилинди. Ижтимоий шериклик, фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирини ошириш, хуқуқ ва ваколотлари дорасини янада кенгайтириш омили сифатида намоён бўлди. Ижтимоий шериклик асосида ижтимоий-иктисодий тараққиёт дастурларини амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг хуқуқи, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат органларининг давлат ҳокимиюти органлари билан ўзаро муносабати ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг тўлақонли хуқуқий таянчи бўлиб хизмат қилишига шарт-шароит яратилган.

**Тўртинчи босқич:** 2016 йилдан ҳозиргача бўлган даврлар, яъни сиёсий ислоҳотларнинг янги даврининг бошланиши даври. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастури, ва унинг узвий давоми бўлган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилинди. Халқ қабулхоналари ва Вертуал қабулхоналар ташкил этилди. ННТларини ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг субъекти сифатида фаоллашуви ошмоқда. Ҳаракатлар стратегияси ва унинг узвий давоми бўлган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашнинг самарали усулларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу босқичда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклиги асосида “Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун” деган тамойил ва “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилиши устувор аҳамият касб этмоқда.

**Истиқболда эса,** фуқаролик жамияти институтларининг фаол субъектга айланиб бориши; бизнес тузилмаларининг ижтимоий лойиҳаларда иштирокининг кучайиб бориши; қабул қилинаётган бошқарув қарорларида жамоатчилик экспертиза ролининг кучайиши; Парламент ва Жамоатчилик назоратининг кучайиши; Жамоатчилик Кенгашлари шунингдек, электрон хукуматнинг ижтимоий ҳаётда аҳамиятининг ошиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий шериклик муносабатларининг истиқболда янада ривожлантирилиши мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим шартларидан бири бўлиб қолаверади<sup>1</sup>. Айни шу маънодаги сиёсий ёндашув ижтимоий шериклик феномени, унинг қўпқиррали экани ва мавжуд тажрибани турли тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида илмий таассуротни шакллантириш имконини беради. Ижтимоий шериклик жамиятда эҳтимолли низоларни мақбул йўл билан ҳал этиш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни қўллаб-қувватлашни ҳам назарда тутади. Кейинги пайтларда турли йўналишдаги илмий доира вакилларининг унга қизиқиши ортиши мазкур феномендан ҳаётнинг турли жабҳаларида фойдаланиш имкони борлигини кўрсатади.

Мехнат муносабатлари нуқтаи-назардан ижтимоий шерикликнинг таркиби қўйидагича таснифлаш мумкин бўлади:

1) меҳнат унумдорлигини ошириш асосида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча даражаларида ишчи ва иш берувчиларнинг ижтимоий ва меҳнат сиёсатининг биргаликда кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш;

2) ижтимоий адолат мезонларини ишлаб чиқиш ва ижтимоий шериклик субъектлари томонидан самарали меҳнатни ҳимоя қилиш бўйича кафолатланган чоралар кўриш;

3) асосан тегишли келишувларни тайёрлашда, шунингдек ҳар қандай низони ҳал қилишда ходимлар ва иш берувчилар вакиллари ўртасида музокаралар ва шартномавий муносабатлар орқали ҳал этиш.

Ижтимоий шериклик тамойиллари қўйидагилардан иборат:

1) универсал ва доимий тинчлик фақат ижтимоий адолат асосида белгиланиши мумкин;

2) ҳеч бир мамлакатда меҳнаткашларга шароит яратмаслик ишчиларнинг позициясини яхшилаш учун жиддий тўсиқ бўлиши мумкин;

3) сўз эркинлиги ва ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик учун доимий шарт-шароитларни яратилганлиги;

4) миллати, эътиқоди ва жинсидан қатъи назар, барча одамлар teng ҳукуқга эгадирлар ва маънавий-ахлоқий талаблар ҳам айни талаблардан келиб чиқади;

5) тарафларнинг tengлиги;

6) қонун ҳужжатларига риоя этилиши;

7) ихтиёрий мажбурият;

8) маслаҳат бериш;

<sup>1</sup> Қаранг: Мирзакаримова М.М. Бандлиқда ижтимоий шериклик: Монография. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2013. – Б.178.

9) келишув усулларининг (келишув, музокарапар) устуворлиги.

Ижтимоий шерик сифатида давлатнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

- 1) ижтимоий шерикликнинг хуқуқий соҳасини такомиллаштириш;
- 2) ижтимоий мулоқот иштирокчиларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш;
- 3) меҳнатга оид низоларни ҳал қилишда иштирок этиш, тарафларнинг рационал келишуви.

Ижтимоий шерикликнинг марказида учта ўзаро таъсир қилувчи институтларнинг ҳар бирининг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излашга имкониятлар бор. Яъни, ушбу муҳим муаммоларни бартараф этишда томонларнинг ҳар бирининг саъй-ҳаракатлари ва имкониятларини бир-бира га бирлаштириш; низоларни ҳал қилишда томонлар ўртасида конструктив ҳамкорлик қилиш; ижтимоий муаммоларга аниқ ечим топиш истаги; қарорларни номарказлаштириш, давлат патернизми йўқлиги; ўзаро манфаатдорликларни назорат қилиш ва кўриб чиқиш; ҳамкорликнинг қонуний асослилиги, ҳар бир партия ва умуман жамият учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шу боисдан ҳам баъзи адабиётларда “Ижтимоий шерикликнинг турли шаклларида ривожланиши замонавий бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини мустаҳкамлаш ва уни ижтимоийлашув жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади”<sup>1</sup> деб таъкидланади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликнинг ўрнини ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан асослаш ва ретроспектив ўрганиш бу борада ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик бир қатор жараёнларга алоҳида аҳамият бериш зарурлигини кўрсатади. Бунда аввало, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда ўзаро ҳамкорликнинг асосий хусусияти, ижтимоий шериклик тизими доирасида унинг элементлари тенг ҳуқуқли субъектлар каби намоён бўлади. Маълумки, ижтимоий шериклик ўз-ўзидан ривожланмайди, унинг субъектлари бир қатор тамойилларга амал қилиниши талаб қилинади. Асосий тамойил бу иккала томон бир-бирининг фуқаровий ва сиёсий эркинликларига риоя этишидан иборатdir.

Шунингдек, ижтимоий шериклик тизими унинг муайян субъектлари ваколатчилиги, ижтимоий сиёsat, сиёsatнинг ижтимоий назорати ривожига реал таъсир қилиши, ижтимоий шерикларнинг қизиқишлиарини амалга оширишнинг

<sup>1</sup> Социальное партнерство Опыт , технологии , оценка эффективности. Нещадин А(общ.ред). –СПб.: Алтейя, 2010. - 399с.

балансини таъминлаш, келишув ва шартномалар воситасида, ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини такомиллаштириш, иқтисодий демократияни ривожлантириш, томонларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда жамиятда фаровон, ижтимоий барқарорлик муҳитини шакллантириш функцияларини бажаради. Охирги йилларда ижтимоий шериклик субъектлари шаклланиши жараёни интенсив равиша борди, ваҳоланки бу жараёнда қийин пайтлар ҳам кўп бўлди. Аммо аста-секин давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар характери ўзгара борди, улар меъёрий хужжатлар асосида, янада эркин бўлиб ривожланмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ижтимоий муносабатлар тобора демократлашиб бормоқда, бу эса фуқаролик жамияти ривожланишининг тарихий нуқтаи назардан энг мақсадга мувофиқ йўлидир. Демократлашувнинг туб моҳияти сифатида рационал ва ижтимоий оқланган консенсус намоён бўлади. Уни асосан, демократик анъаналар ташувчиси сифатидаги касаба уюшмачилик ҳаракати таъминлайди. Улар фаолиятининг асосий вазифаси эса ўз навбатида демократлашган фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Биринчидан, ижтимоий шериклик тизимининг шаклланиши жараёнига, сиёсий субъектлар ўртасида ўзаро келишув ва ҳамкорлик муносабатларини қарор топтиришга бўлган интилиш муҳим асос бўлиб хизмат қиласи. Иккинчидан, Ўзбекистонда ижтимоий шериклик тизимини яратиш амалиёти кўпроқ институционал ва норматив-хуқуқий даражада муваффақиятли бормоқда, деб айтишимиз мумкин. Аммо барча жабхада амалга оширилиши лозим бўлган ишларимиз кўп албатта.

Шу билан бирга, ижтимоий шериклик тизими субъектларининг шаклланиши, умуман олганда ижтимоий шериклик тизими ҳам, демократлашган фуқаролик жамияти шароитида амалга оширилади. Бу ҳолатда, субъектларнинг қизиқишлари, ижтимоий ва сиёсий жараёнларининг амалда бўлиши учун мафкуравий, назарий, ташкилий-амалий тартибдаги қатор чора-тадбирлар тизимини аниқлаш талаб этилади<sup>1</sup>. Ўтиш даврида ижтимоий шериклик тизимини шаклланиш қонуниятларига қуйидагиларни киритиш мумкин: ижтимоий шериклик институтларини марказда, жойларда, субъектларда шакллантириш; консенсус типидаги муносабатларнинг кетма-кетлиқда ривожлантирилиши; фуқаролик жамиятида ижтимоий шериклик субъектларининг муносабатларини тартибга солувчи қонуний базани яратиш; ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида келишмовчиликларни бартараф этиш ва қизиқишларни мос келтириш

<sup>1</sup> Каранг: Роль социального партнерства в формировании европейского социального пространства. -М.: Огни, 2003. –152 с.

механизмини яхшилаб ўрганиш ва шакллантириш ва ундаги ижтимоий-сиёсий муаммоларни назорат қилиш тизимига киритиш; ижтимоий шериклик тизими субъектлари онгига ва хатти-ҳаракатида ҳамкорлик ва келишув ғоясини шакллантириш, ижтимоий шериклик институтини легитимлаштириш.

Айни маънода, масаланинг муҳим жиҳати шундаки, ижтимоий шериклик тизими ва субъектларини шакллантириш қўйидаги шароитда юз бериши мумкин: барча жабҳадаги фаолият турларини қамраб олиш, демократия ва ижтимоий адолат тамойили асосида жамият ижтимоий ҳаётини бошқариш механизмининг мавжудлигини таъминлашдан иборатdir. Ижтимоий шериклик тизимини шакллантиришда муҳим ва ҳал қилувчи роль давлатга тегишлиdir. Ижтимоий шериклик тизимини шаклланишининг мазкур босқичида давлатнинг муҳим функцияси ҳам жорий вақтга ҳам жамият ривожининг истиқболдаги мақсадларига, унинг ижтимоий ва сиёсий тизимлари мақсадларига ташкилий-хуқуқий ва ижтимоий шароитларга жавоб берувчи хуқуқий чегараларни аниқлаш, шериклик муносабатлари қоидаларини ўрнатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Баъзи бир мамлакатларда ижтимоий шериклик жараёнларини ташкил қилиш ва бошқариш узоқ муддатли тадрижий ривожланиш, ўз-ўзини ривожлантириш натижасида, бошқаларида эса маъмурий йўл билан ёки муайян ислоҳотлар орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги кунда ижтимоий шериклик ғояси турли ижтимоий қатlam вакилларининг дикқатини тобора кўпроқ тортаётганлиги бежиз эмас. Демак, ижтимоий шериклик жамиятни ич-ичидан чукур ўрганишда, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиб, самарали амалга оширишда, бу борада жамоатчилик назорати кучайишида долзарб аҳамият касб этади. Бундай имкониятларнинг кенгайтирилиши жамиятда ижтимоий бирдамликни кучайтириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби муҳим масалаларни ҳал этишда устувор аҳамият касб этади. Бундан ташқари, фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорларни ишлаб чиқиши ҳамда уни амалиётга татбиқ этишда ҳам ижтимоий шериклик ўзига хос аҳамият касб этади. Бу эса демократик тамойилларга мос ҳолда инсон ҳуқуқларининг тўла рўёбга чиқиши, аҳолининг мақсадли ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий таъминот билан боғлиқ ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда устувор ўринни эгаллайди.

Ижтимоий жараёнларнинг ривожи, замонавий ижтимоий маконнинг тобора ўсиб бораётган ўзгарувчанлиги ҳозирги замоннинг характерли жиҳати бўлмоқда. Бозор иқтисодига ўтиш мураккаб, давомли ва қарама-қаршиликларга тўла

ижтимоий-иқтисодий жараённи ташкил этади: хусусий мулкчиликнинг, турли жабҳаларда хусусийлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган, янги шакллари юзага келади, ишлаб чиқариш муносабатлари трансформациялашади ва бу муносабатларнинг субъектлари ўзгаради, бандликни таъминловчи, ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларда муаммолар юзага келади.

Шу муносабат билан жамиятнинг барча ҳаётий фаолиятларида сифатий ўзгаришлар зарурати юзага келади. Жиддий низолар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида ижтимоий субъектлар жамиятда янгича алоқалар ўрнатиши, оламда мавжудлигини ўзига хос концепциясини ишлаб чиқиши, ижтимоий эволюция истиқболларини англашлари зарур бўлади. Жамиятдан шериклик ва коммуникация тамойилларига чуқур рефлексив мослашиш, ижтимоий муҳитнинг трансформациясини адекват қабул қилиш ва бузғунчи тенденцияларга қарши тура олиш талаб этилади. Айни шу маънода, “Инсон - деб ёзади А.А.Хусейнова - реал ижтимоий муҳитда яшайди ва меҳнат қиласди. Инсоний фаолият ижтимоий муҳит билан узвий боғлиқдир. У ҳар қандай ижтимоий муҳитда доминант бўлиб хизмат қиласди, инсон унинг таъсирида шаклланади ва фаолият юритади”<sup>1</sup>. Мазкур вазиятда ижтимоий шериклик институти шаклланиши, жамиятда юзага келаётган қарама-қаршиликларни ечишнинг энг рационал йўл сифатида долзарб аҳамиятга эга. Охирги вақтларда ижтимоий шерикликка турли илмий йўналишдаги вакилларида пайдо бўлган қизиқиш, мазкур феноменнинг, ҳаётий фаолиятнинг турли жабҳаларида қўлланилиши мумкин бўлган чуқур потенциалга эга эканлиги билан белгиланади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг узоқ вақт давомида жиддий ижтимоий зарбаларсиз шаклланиши ва ривожланиши, ижтимоий шериклик ғоясини амалга ошириш билан боғлиқ, аввало, ижтимоий меҳнат жабҳаларида бу жараённи бевосита кузатиш мумкин. Бир қатор Ғарб мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси мамлакатда ижтимоий шерикликнинг тамойиллари амалга оширилса, унда миллий иқтисод, тадбиркорлик фаолияти барқарор ривожланади, ахолининг турмуш даражаси тобора ўсиб боради<sup>2</sup>. Билвосита ёки бевосита давлат иштирокидаги, ижтимоий шериклик ёлланма ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатлари жаҳон тажрибасида кенг тарқалган бўлиб, Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларини барқарорлаштириш шароитида бу жараён

<sup>1</sup> Хусейнова А.А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2009. – Б.106.

<sup>2</sup> Кнаак, Р. Социальное партнерство: западный опыт / Р. Кнаак // Вопросы экономики. - 1994. - № 5. - С. 90-96.

самарали татбиқ этилмоқда. Давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ижтимоий шерикликни татбиқ этиш зарурати шу билан асосланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бозор иқтисодиёти шароитида жамиятда ижтимоий меҳнат муносабатларини назорат қилишнинг уч асосий омили амалга оширилади, ёлланма меҳнат ва капитал ўртасидаги шериклик муносабатлари тан олинади: иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий (меҳнат ташкил этишинг шакллари ўзгариши, ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларнинг характеристи; жамият ижтимоий тузилмасининг мураккаблашуви; касаба уюшмаларини ташкил этиш; давлат фаол ижтимоий сиёсати; жамият бошқарувида демократик муолажаларни ривожлантириш ва х.к.). Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдик, ҳар мамлакатнинг тарихий ривожланиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, унинг хўжалик тузилмаси, ҳуқуқий анъаналари ва аҳоли менталитети, ижтимоий шерикликнинг миллий моделлари специфик белгиларни касб этади.

Ижтимоий шерикликка бозор иқтисодиётига асосланган маданиятли жамиятга хос бўлган ижтимоий муносабатларнинг бир тури сифатида қараш мумкин. Биринчидан, бу умумий манфаатлар ва қарашлар билан бирга, мутлақо фарқ қилувчи ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий манфаатларга эга тарафлар ўртасидаги муносабатдир. Иккинчидан, ижтимоий шериклик тарафларнинг қарама-қаршилигига эмас, балки ижтимоий консенсус (келишув)га эришишга асосланади. Учинчидан, бу шундай муносабатлар турики, уни амалга оширишдан барча ижтимоий гурухлар ҳамда давлат манфаатдор бўлади. Чунки айнан ижтимоий шериклик шароитида жамият ижтимоий барқарорликка ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришади.

Ижтимоий шериклик - жамиятнинг ҳақиқий демократия мезонлари ва таркибий қисмларидан биридир. Ижтимоий шериклик томонлар манфаатларини мақбул мувозанат асосида ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат сиёсатини ишлаб чиқиши, қабул қилиши ва амалга оширишда тенг ҳукуқли ҳамкорлик, ходимларнинг, иш берувчиларнинг ва давлатнинг реал иштирокини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам характерланади. Ижтимоий шерикликнинг демократияси ҳам иқтисодий демократияни ривожлантириш ва такомиллаштиришда ҳамда ишчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этишда намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, бозор иқтисодиёти шаротида ижтимоий шериклик дейилганда жамият асосий қатлам ва гурухларининг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий манфаатлари уйғунлиги ва мутаносиблигини таъминлаш мақсадини кўзлаган ижтимоий муносабатларининг алоҳида бир тури тушунилади. Иккинчидан, ижтимоий шериклик – иқтисодий ислоҳотлар

ривожланишининг энг самарали йўлидир. Иқтисодий ислоҳотларни тўғри ташкил этиш, уни такомиллаштириш ва янги босқичларга олиб чиқиш шу куннинг муҳим вазифасидир. Иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий моҳиятини яхши англаб олиш учун аввало, социал соҳани тузилиши, инсон манфаатлари тизимининг мазмун-моҳиятини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистон танлаган ислоҳот йўлининг бошқа давлатлардан туб сифат фарқи шундаки, инсон эҳтиёжи ва манфаатлари иқтисодий ислоҳотлар марказига қўйилган, уни пировард мақсади қилиб белгиланганлигидадир. Бу объектив қонуниятни амал қилишига кенг йўл бериш, унинг имкониятларидан тўла қувват билан фойдаланиш барча йўналишдаги ислоҳотларни самарали амалга ошириш мезонидир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1. Вебер М. Хозяйство и общество / пер. с нем.; под научн. ред. Л. Ионина. - М.: Изд-во ГУ ВШЭ, 2010. -С. 456.
2. Парсонс Т. О структуре социального действия. - М.: Академ. Проект, 2002. -С. 88.
3. [http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/fp=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100\\_INSTRUMENT\\_ID:312289:NO](http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/fp=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312289:NO)
4. Бегматов А. Ижтимоий шериклик ва ижтимоий хавфсизлик // Жамият ва бошқарув. 2014. - №1. –Б.44.
5. Мирзакаримова М.М. Бандликда ижтимоий шериклик: Монография. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2013. – Б.178.
6. Социальное партнерство Опыт , технологии , оценка эффективности. Нещадин А(общ.ред). –СПб.: Алетейя, 2010. - 399с.
7. Роль социального партнерства в формировании европейского социального пространства. -М.: Огни, 2003. –152 с.
8. Хусейнова А.А. Фуқаролик жамияти ва аёллар. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2009. – Б.106.
9. Кнаак, Р. Социальное партнерство: западный опыт / Р. Кнаак // Вопросы экономики. - 1994. - № 5. - С. 90-96.